



«23 • август 2019 у

№ 707

Toshkent sh.

Истерьмол ва техник этил спирти, алкоголь маҳсулотлари ишлаб чиқариш фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Алкоголь ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва уларнинг айланмасини давлат томонидан тартибга солишни такомиллаштириш ҳамда узумчилик ва виночиликни ривожлантиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида” 2019 йил 5 февралдаги ПФ-5656-сон Фармонига ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш инспекцияси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” 2019 йил 5 февралдаги ПҚ-4162-сон қарорига мувофик Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Истерьмол ва техник этил спирти, алкоголь маҳсулотлари ишлаб чиқариш фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Этил спирти, алкоголли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш фаолиятини лицензиялаш комиссияси томонидан этил спирти ва алкоголь маҳсулотлари ишлаб чиқариш фаолиятини амалга оширишга илгари берилган лицензияларнинг амал килиш муддати 2020 йил 1 январгача узайтирилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Бунда лицензия эгалари ва биринчи марта мурожаат қилаётган лицензия талабгорлари янги лицензия талаблари бўйича лицензия олиш учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш инспекциясига муддатидан олдин мурожаат этишлари мумкин.

3. Куйидагилар белгилансин:

иқки ва ундан ортиқ лицензиатлар томонидан айни бир стационар бинода ва битта асбоб-ускунада истерьмол ва техник этил спирти, алкоголь маҳсулотлари ишлаб чиқариш тақиқланади;

техник спирт ишлаб чиқарувчилар фаолиятини лицензиялаш бўйича талаблар 2020 йил 1 январдан бошлаб, пиво ва пиво ичимликлари ишлаб чиқарувчилар учун эса 2021 йил 1 январдан бошлаб, шунингдек, пиво ишлаб

чиқарувчилар учун йиллик лицензия тўловлари 2022 йил 1 январдан бошлаб кучга киради.

4. Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг 2-иловага мувофиқ айrim қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг 3-иловага мувофиқ айrim қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — молия вазири Ж.А. Кўчкоров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири

А. Арипов



Вазирлар Маҳкамасининг
2019 йил “ 23 ” августдаги 707-сон қарорига
1-илова

**Истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь маҳсулотлари ишлаб
чиқариш фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь маҳсулотлари ишлаб чиқариш фаолиятини лицензиялаш тартибини белгилайди.

2. Истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь маҳсулотлари ишлаб чиқариш фаолиятини лицензиялаш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Алкоголь ва тамаки бозорнни тартибга солиш инспекцияси (кейинги ўринларда Инспекция деб аталади) томонидан амалга оширилади.

3. Куйидаги турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш фаолияти лицензияланади:

а) ректификатланган истеъмол этил спирти, шу жумладан, узум, резавор мева, шунингдек, вино спирти, узум ва резавор мевадан тайёрланган спирт хомашёси;

б) техник этил спирти, эфироальдегидли фракция (этил спирти бош фракцияси);

в) узум, вино, коньяк, виски, ром, резавор мева ва кальгадос дистилляти;

г) ароқ, шу жумладан, узум ва мева ароғи, шунингдек, ликёр-ароқ маҳсулотлари;

д) коньяк, коньяк ичимликлари, бренди, виски, ром, кальгадос;

е) узум ва резавор мева виноси, қўпикланадиган ва газли вино;

ж) ўткирлиги 7,0 фоиздан 22 фоизгача бўлган вино ичимликлари;

з) узум ва резавор мевадан тайёрланган виноматериаллар;

и) пиво ва пиво ичимликлари.

4. Истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь маҳсулотлари ишлаб чиқариш фаолияти факат юридик шахслар – Ўзбекистон Республикаси резидентлари томонидан амалга оширилади.

Истеъмол этил спиртини ишлаб чиқариш устав фондида (устав капиталида) давлат улуши ёки хўжалик бошқаруви давлат органининг улуши

50 фоиз ва ундан юқори бўлган юридик шахслар томонидан амалга оширилади.

Хорижий этил спиртидан фойдаланган ҳолда алкоголь маҳсулотлари ишлаб чиқаришга йўл қўйилмайди.

5. Истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь маҳсулотлари ишлаб чиқариш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига намунавий (оддий) лицензия берилади.

Ушбу Низомнинг З-бандида кўрсатилган ҳар бир ишлаб чиқариладиган маҳсулот тури учун алоҳида лицензия берилади.

Истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь маҳсулотлари ишлаб чиқариш соҳасида лицензия бошқага ўтказилмайди ва лицензиат томонидан бошқа жисмоний ва юридик шахсларга ўтказиб берилмайди.

6. Лицензия унинг амал қилиши чекланмаган муддатга берилади.

2-боб. Лицензия талаблари

7. Истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь маҳсулотлари ишлаб чиқариш фаолиятини амалга оширишда лицензия талабларига қўйидагилар киради:

а) истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь маҳсулотлари ишлаб чиқаришда (шу жумладан, сифати, сақланиши ва айланмасига риоя қилиш) қонунчиликка ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив хужжатларга катъий риоя қилиш;

б) ишлаб чиқариш хавфсизлигини, мсҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлигини, ёнгин хавфсизлиги, ишлаб чиқариш санитарияси ва экология талаблари ва нормаларини таъминлаш;

в) лизеицияланадиган фаолиятни амалга ошириш учун амалдаги қонун хужжатларида назарда тутилган зарур гувоҳномалар, мувофиқлик сертификатлари ва бошқа тегишли хужжатларнинг мавжудлиги;

г) ҳар бир маҳсулот тури учун техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив хужжатлар талабларига мувофиқ ишлаб чиқилган ва ишлаб чиқарувчи ташкилотлар томонидан тасдиқланган, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Соғликни сақлаш вазирлигн билан келишилган технологик йўриқномаларнинг мавжудлиги;

д) спирт ва алкоголь маҳсулотлари ишлаб чиқариш соҳасида тегишли малакага эга бўлган камида икки нафар мутахассиснинг мавжудлиги;

е) зарур асбоб-ускуналар, приборлар, кимёвий реактивлар ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив хужжатлар билан жиҳозланган, техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив хужжатларда назарда тутилган барча зарур физик-кимёвий, микробиологик ва бошқа кўрсаткичларни анализ қилиш имконини берувчи ишлаб чиқариш лабораториялари мавжудлиги;

ж) истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг асосий ускуналарини мажбурий рўйхатдан ўтказиш, шунингдек, унинг мулкдорларини Инспекцияда рўйхатдан ўтказиш ва қайта рўйхатдан ўтказиш, ишлаб чиқаришнинг техник ва технологик жараёнлари, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг ўрнатилган йиллик ишлаб чиқариш қувватлари, шунингдек, муҳандислик-техник коммуникациялар ва ишлаб чиқариш цикли жойлашиши бўйича хужжатлардаги ўзгаришларни Инспекция билан олдиндан келишиш.

Истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь маҳсулотлари ишлаб чиқаришии конунчиликка ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив хужжатларга мувофиқ стационар ишлаб чиқариш иншоотлари ва ускуналарида амалга оширишга рухсат этилади;

з) Инспекцияда рўйхатдан ўтказиш орқали маънан ва жисмонан эскирган истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг асосий ускуналарини алмаштириш;

и) ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг техник жиҳатдан тартнбга солиш соҳасидаги норматив хужжатлар талабларига мувофиқлиги бўйича истеъмол этил спирти ва алкоголь маҳсулотларининг органолептик хусусиятларини аниқлаш бўйича дегустация комиссиясига ҳар чоракда маҳсулот намуналарини тақдим этиш;

к) алкоголь маҳсулотларини маркалаш ва кузатиш тизимини ўз ичига олувчи истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмларини ҳисобга олиш ахборот тизимини (кейинги ўринларда Ҳисобга олиш ахборот тизими деб аталади) жорий этиш ва фойдаланиш, шунингдек, электрон шаклдаги ҳисобварақ-фактурадан фойдаланиш;

л) конун хужжатлари талабларига мувофиқ этил спирти ва алкоголь маҳсулотлари савдоси қоидаларига риоя қилиш;

м) истеъмол ва техник этил спирти ишлаб чиқарувчи ташкилотларда алкоголь маҳсулотлари ишлаб чиқаришга йўл қўймаслик;

н) тўлов интизоми ҳамда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни, шунингдек, йиллик лицензия тўловларини ўз вақтида тўлаш бўйича белгиланган талабларга риоя қилиш;

о) ректификатланган истеъмол этил спирти ишлаб чиқарувчи ташкилотларда Инспекция қоидаги этил спирти сифатини аниқлаш лабораториясининг мавжудлиги;

п) ароқ ҳамда истеъмол этил спиртидан (узум ва резавор мева этил спиртндан ташқари) ароқ ва ликёр-ароқ маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича мавжуд йиллик ишлаб чиқариш қувватларидан ўрнатилган қувватларнинг 60 фоизидан кам бўлмаган микдорда фойдаланилишини таъминлаш. Бунда йиллик ишлаб чиқариш ҳажми абсолют алкоголга қайта ҳисоблаганда камида 100 минг декалитрни ташкил қилиши лозим;

р) ароқ ишлаб чиқармайдиган ташкилотларда истеъмол этил спиртидан (узум ва резавор мева этил спиртидан ташқари) ликёр-ароқ маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича мавжуд йиллик ишлаб чиқариш кувватларидан ўрнатилган кувватларнинг 50 фоизидан кам бўлмаган миқдорда фойдаланилишини таъминлаш;

с) узумнинг мевали техник навларини етиштириш учун камида 100 гектар плантацияси ва вино-коњяк маҳсулотларини саклаш ва этилтириш учун эман бочкалари мавжуд бўлган ташкилотлар томонидан табиий вино, виноматериаллар ва коњяк спиртлари ишлаб чиқариш ҳамда узумни қайта ишлаш фаолиятини амалга ошириш;

т) ароқ ва (ёки) ликёр-ароқ маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилари томонидан уч йил ичида ўзининг техник узум навлари плантацияларини бир текис яратилиши ва келгусида вино материаллари ва (ёки) вино ишлаб чиқаришни ташкил қилиш. Бунда техник узум навлари экилганидан кейинги уч йилдан сўнг техник узум навлари плантацияларининг майдони ароқ ва (ёки) ликёр-ароқ маҳсулотларини йиллик ишлаб чиқариш ҳажмининг 75 фоизига мутаносиб келадиган вино материаллари ва (ёки) вино ишлаб чиқариш учун зарур бўлган ҳосилни йиғиш имконини бериши керак;

у) ташкилотлар томонидан доимий равища устав фондининг қуйидаги миқдорини таъминланиши:

истеъмол этил спирти ва ароқ ишлаб чиқарувчи ташкилотлар учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 000 баравари миқдорида ва ундан ортиқ;

бошқа алкоголь маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар (узум ва меваларни бирламчи қайта ишлаш ташкилотлари бундан мустасно) учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 1 000 баравари миқдорида ва ундан ортиқ;

ф) барча истеъмол ва техник этил спирти ишлаб чиқариш ҳамда алкоголь маҳсулотларини қутиш линияларида йиғма ҳисобга олиш маълумотлари кўрсаткичларини тегишли ҳимоялаш воситасига эга бўлган тайёр маҳсулотларни электрон ҳисоблагичларнинг мавжуд бўлиши.

8. Агарда ишлаб чиқариш кувватларидан лицензиатга боғлиқ бўлмаган шарт-шароитларга кўра фойдаланилмаган бўлса, ушбу Низомнинг 7-банди «п» ва «р» кичик бандларида қайд этилган лицензия талабларининг бажарилмаслигига йўл қўйилади.

9. Истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи ташкилотларни қутиш ва янгисини ташкил этиш, шунингдек, мавжуд ишлаб чиқариш кувватларини кенгайтириш Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлигининг истеъмол этил спиртини ишлаб чиқариш ва фойдаланиш балансидан келиб чиқсан ҳолда таклиф этилаётган янги кувватларнинг иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги холосаси асосида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлигининг иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги хulosаси нусхаси Инспекцияга юборилади.

10. Лицензия талабори лицензия беришни сўраб мурожаат қилган кунда ишлаб чиқариш жараёни техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқ бўлиши шарт.

3-боб. Лицензия олиш учун зарур бўлган ҳужжатлар

11. Истеъмол ва техник этил спирти, шунингдек, алкоголь маҳсулотлари ишлаб чиқариш фаолиятига лицензия олиш учун талабор Инспекцияга қўйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

а) ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ шакл бўйича лицензия бериш тўғрисида ариза;

б) ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ шакл бўйича ишлаб чиқариш обьектининг паспорти;

в) ишлаб чиқариш ва саклаш иншоатларининг, шунингдек, технологик ускуналарнинг қонун ҳужжатларида белгиланган санитария-гигиена талабларига мувофиқлиги тўғрисида ҳудудий санитария-эпидемиологик назорат органининг хulosаси;

г) ишлаб чиқаришнинг қонун ҳужжатларида белгиланган меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги талабларнга мувофиқлиги тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг ҳудудий бошқармалари хulosаси;

д) ишлаб чиқаришнинг, ишлаб чиқариш ва саклаш биноларининг қонун ҳужжатларида белгиланган ёнғии хавфсизлиги талабларига мувофиқлиги тўғрисида ҳудудий ёнғин назорати органининг хulosаси;

е) “Ўзстаидарт” агентлиги ҳузуридаги Техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва метрология соҳасида қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилишини таъминлаш департаментининг ишлаб чиқариладиган маҳсулотининг сифати ва хавфсизлигини назорат қилиш учун зарур бўлган техник тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар ҳамда ўлчаш жиҳозлари билан таъминланганини тўғрисида хulosаси;

ж) лицензия талабгорининг аризаси кўриб чиқилганлиги учун лицензия талабгорининг йиғимни тўлаганини тасдиқловчи ҳужжат.

Инспекция лицензия бериш учун бошқа ваколатли органларда мавжуд бўлган зарур ҳужжатлар ва ахборотларни белгиланган тартибда ўзаро ахборот ҳамкорлиги йўли билан, шу жумладан, электрон тарзда мустакил равишда олади, ушбу бандда назарда тутилган ҳужжатлар ва ахборотлар бундан мустасно.

12. Лицензия талабгоридан ушбу Низомда назарда тутилмаган хужжатларни тақдим этишини талаб қилишга йўл қўйилмайди.

13. Лицензия олиш учун зарур бўлган хужжатлар лицензия талабори томонидан Инспекцияга бевосита, почта алоқаси воситалари орқали ёки электрон шаклда, улар олинганилиги ҳақида хабардор қилинган ҳолда тақдим этилади. Электрон шаклда тақдим этилган хужжатлар лицензия талабгорининг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланади. Лицензия бериш тўғрисидаги аризада лицензия талабгорининг электрои манзили кўрсатилганилиги унинг аризаси бўйича қабул қилинган қарор ҳақида ахборот тизими орқали электрон шаклда хабарнома олишга бўлган розилиги хисобланади.

Лицензия олиш учун Инспекцияга юборилган хужжатлар рўйхат бўйича қабул қилиниб, рўйхатнинг нусхаси ушбу орган томонидан хужжатлар қабул қилиб олинган сана кўрсатилган ҳолда ариза берувчига юборилади (топширилади).

14. Ишончли бўлмаган ёки бузилган маълумотлар тақдим этилганлигин учун лицензия талабори қонун хужжатларига мувофиқ жавоб беради.

4-боб. Аризани кўриб чиқиш ва лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиш

15. Истемол ва техник этил спирти, алкоголь маҳсулотлари ишлаб чиқариш фаолиятини лицензиялаш ушбу Низомга З-иловага мувофиқ схема бўйича амалга оширилади.

16. Лицензия талабгорига лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги қарор лицензия талабгоридан ушбу Низомнинг 11-бандида кўрсатилган хужжатлар тўплами олинган кундан бошлаб ўттиз кундан ортиқ бўлмаган муддатда қабул қилинади.

Бунда Инспекция, зарурат бўлганда, жойларга бориб ишлаб чиқариш шарт-шароитларининг тақдим этилган хужжатларга мувофиқлигини текширишга ҳақлидир.

17. Инспекция лицензия талабгорини қабул қилинган қарор тўғрисида тегишли қарор қабул қилингандан кейин уч кун мобайнинда хабардор қиласди.

18. Лицензия беришга қарор қилинганилиги тўғрисидаги билдиришнома лицензия талабгорига банк ҳисоб рақами реквизитлари ва йиллик лицензия тўловлари тўлаш муддати кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда, шунингдек, ахборот тизими орқали электрон шаклда юборилади (топширилади) ҳамда шу билан бир вақтда имзолаш учун лицензия шартномаси юборилади.

19. Лицензия шартномаси Инспекция ва лицензия талабори ўртасида тузилади ва унда қуйидагилар бўлиши керак:

а) шартномани имзолаган шахсларнинг фамилияси, исми, отасининг исми, лавозими;

- б) томонларнинг реквизитлари;
- в) ушбу Низомнинг З-бандида кўрсатилган ишлаб чиқарилишига лицензия берилаётган аниқ маҳсулот турининг номи;
- г) ташкилотнииг ишлаб чиқариш ва омборларининг жойлашган жойи;
- д) лицензиатга қўйиладиган лицензия талаблари ва шартлари;
- е) лицензия шартномасининг талаблари ва шартларини бузганлик учун тарафларнинг жавобгарлиги;
- ж) лицензиат томонидан лицензия шартномаси талаблари ва шартлари бажарилишини Инспекция томонидан текшириш ва назорат қилиш тартиби;
- з) қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа зарур маълумотлар.

Лицензия шартномаси икки нусхада — лицензиат ва Инспекция учун биттадан нусхада тузилади.

20. Истемол ва техник этил спирти, алкоголь маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича фаолиятни амалга ошириш учун лицензия ушбу Низомга 4-иловага мувофиқ шаклда белгиланган намунадаги бланкада расмийлаштирилади ва Инспекция бошлиғи томонидан имзоланади.

Лицензия бланкалари қатъий ҳисобда турадиган ҳужжатлар ҳисобланади, ҳисобга олиш сериясига, тартиб рақамига ва ҳимояланганлик даражасига эга бўлади.

21. Лицензия талабори томонидан йиллик лицензия тўловлари тўланганини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этилгандан ва лицензия шартномаси имзолангандан кейин уч кун муддатда лицензия берилади.

22. Агар лицеизиат лицензия бериш тўғрисида қарор қабул қилинганлиги ҳақидаги билдиришнома юборилган (топширилган) вақтдан бошлаб уч ой мобайнида Инспекцияга лицензия берилганлиги учун йиллик лицензия тўловлари тўланганигини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этмаса ёхуд лицензия шартномасини имзоламаса, лицензияни бериш тўғрисидаги қарор бекор килинади.

23. Лицензия бериш “Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 17-моддасида назарда тутилган асослар бўйича рад этилиши мумкин.

24. Лицензия беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, рад этиш тўғрисидаги билдиришнома лицензия талабгорига рад этишнинг аниқ сабаблари ва лицензия талабори кўрсатиб ўтилган сабабларни бартараф этиб ҳужжатларни такроран кўриб чиқишга тақдим этиши учун етарли бўлган муддат кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда, шунингдек, ахборот тизими орқали электрон шаклда юборилади (топширилади). Лицензия беришни рад этиш ҳақидаги хабарномада кўрсатилгаи муддат камчиликларни бартараф этиш учун зарур бўлган вақтга мутаносиб бўлиши, бироқ уч ойдан ошмаслиги керак.

25. Лицензия беришни рад этиш учун асос бўлган сабаблар лицензия талабгари томонидан бартараф этилган тақдирда, хужжатларни такроран кўриб чиқиш лицензия талабгорининг аризаси барча зарур хужжатлар билан биргалиқда олинган кундан бошлаб ўн кундан ортиқ бўлмаган муддатда амалга оширилади.

28. Лицензия талабгорининг аризасини қайта кўриб чиқишида илгари лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилмагаи янги асослар бўйича лицензия беришни рад этишга йўл қўйилмайди.

Лицензия бериш рад этилганлиги тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилгаи муддат ўтгандан кейин берилган ариза янгидан берилган ариза ҳисобланади.

5-боб. Йиғим ва йиллик лицензия тўловини тўлаш тартиби

27. Лицензия талабгорининг аризаси кўриб чиқилганлиги учун тўлов кунида Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларида белгиланган базавий ҳисоблаш миқдориининг тўрт баравари миқдорида йиғим ундирилади.

Лицензия талабгорлари аризалари такроран кўриб чиқилганлиги учун йиғим ундирилмайди.

Лицензия талабгари берилган аризадан воз кечган тақдирда лицензия талабгорининг аризаси кўриб чиқилганлиги учун тўлангаи йиғим суммаси қайтарилмайди.

28. Истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь маҳсулотлари ишлаб чиқариш фаолиятини амалга ошириш ҳукуки учун лицеизияни берганлик учун йиллик лицензия тўловлари кўрсатиб ўтилган гурӯҳлар бўйича қўйидаги миқдорларда ундирилади:

а) ректификатланган истеъмол этил спирти ишлаб чиқариш учун – базавий ҳисоблаш миқдорининг 100 баробари миқдорида;

б) техник этил спирти, эфиралдегидли фракция (этил спиртининг бош фракцияси) ишлаб чиқариш учун – базавий ҳисоблаш миқдориининг 25 баробари миқдорида;

в) истеъмол этил спиртидан ароқ ва ликёр-ароқ ишлаб чиқариш учун – базавий ҳисоблаш миқдорининг 250 баробари миқдорида;

г) ўткирлиги 7,0 дан 22,0 фоизгача бўлган вино ичимликлари ишлаб чиқариш учун – базавий ҳисоблаш миқдорининг 250 баробари миқдорида;

д) узум ва мева ароғи, узум ва резавор мева виноси, коньяқ, конъяк ичимликлари, бренд, виски, ром, кальгадос ишлаб чиқариш учун – базавий ҳисоблаш миқдорининг 100 баробари миқдорида;

е) узум ва резавор мева спирти, вино спирти, узумдан ва резавор мевадан тайёрланган спирт хомашёси, узумли, виноли, конъякли, вискили, ромли, резавор мевали ва кальгадосли дистиллят, кўпикланадиган ва

газланган вино ишлаб чиқариш учун – базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 баробари миқдорида;

ж) узум ва резавор мевадан виноматериаллар ишлаб чиқариш учун – базавий ҳисоблаш миқдориинг 25 баробари миқдорида;

з) пиво ва пиво маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар учун:

йиллик қуввати 500 минг декалитрдан ортиқ – базавий ҳисоблаш миқдорининг 250 баробари миқдорида;

йиллик қуввати 500 минг декалитрдан кам – базавий ҳисоблаш миқдорининг 25 баробари миқдорида.

29. Лицензия талабгори ушбу Низомнинг 28-бандида келтирилган ҳар хил гурухларда кўрсатилган маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун мурожаат қилганида лицензия беришда тегишли гурухлар учун кўрсатилган йиллик лицензия тўловлари ундирилган ҳолда алоҳида лицензиялар расмийлаштирилади.

Агар лицензия талабгори бир гурухга киравчи бир неча турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун лицензия олишга ариза берган бўлса, тегишли гурухга лицензия бериш учун ягона йиллик лицензия тўлови ундирилади.

30. Лицензия талабгорининг аризаси кўриб чиқилганлиги учун йифим ва йиллик лицензия тўловидан тушадиган маблағлар Инспекциянинг бюджетдан ташқари жамгармасига кирим қилинади.

6-боб. Лицензияни қайта расмийлаштириш, дубликат бериш

31. Лицензиат ўзгартирилган, унинг номи ёки жойлашган жойи (пошта манзили) ўзгарган тақдирда, лицензиат ёки унинг ҳукуқий вориси қайта рўйхатдан ўтказилгандан кейин бир ой муддатда Инспекцияга кўрсатиб ўтилган маълумотларни тасдиқловчи тегнишли ҳужжатлар илова қилинган ҳолда лицензияни қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза бериши шарт.

Янгидан юзага келган юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказиш санасида айни бир лицензияланадиган фаолият турини амалга ошириш ҳукуқини берувчи лицензияга эга бўлган лицензиатлар – юридик шахслар кўшиб юборилган тақдирда, лицензияни ушбу банднинг биринчи хатбошида назарда тутилган тартибда қайта расмийлаштиришга йўл қўйилади.

32. Лицензиат лицензия қайта расмийлаштирилгунга қадар унда кўрсатилган фаолиятни илгарн берилган лицензия асосида амалга оширади.

33. Лицензияни қайта расмийлаштиришда Инспекция лицензиялар реестрига тегишли ўзгартиришлар киритади. Лицензияни қайта расмийлаштириш Инспекция томонидан лицензияни қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза олинган кундан бошлаб беш кун мобайнида амалга оширилади.

34. Йўқолган ёки яроқсиз ҳолга келган лицензия ўрнига лицензиатнинг аризасига кўра дубликат берилади. Бунда лицензиат оммавий ахборот воситаларида йўқолган лицензиянинг ҳақиқий эмаслиги тўғрисида хабар бериши, шунингдек, хабарни Инспекцияга тақдим этиши керак.

35. Лицензияни қайта расмийлаштириш ва дубликат бериш, шунингдек, лицензия шартномасига ўзгартериш ёки кўшимча киритиш учун лицензия талабгорининг аризаси кўриб чиқилганлиги учун тўланадиган йигимнинг ярмн миқдорида йигим ундирилади.

7-боб. Лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини назорат қилиш

36. Лицензиат томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя этилиши устидан назорат қилиш Инспекция томонидан, қонун ҳужжатларида ва лицензия шартномасида белгиланган тартибда амалга оширилади.

37. Лицензия талабларига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширишда Инспекция ўз ваколатлари доирасида:

а) лицензиат томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда текшириш;

б) Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳукуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакилни Текширувларни электрон рўйхатга олиш ягона тизимида рўйхатга олинган ҳолда хабардор қилиб ҳамда лицензиатни олдиндан хабардор қиласдан барча маъмурий, ишлаб чиқариш, лаборатория ва омбор биноларига кириш, ишлаб чиқариш линиялари, асбоб-ускуналар, транспорт воситалари ва бошқа техникани кўздан кечириш;

в) ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифати ва унинг сақланишини дастлабки назоратини амалга ошириш учун уларни кўздан кечириш;

г) лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини текшириш чогида пайдо бўладиган масалалар юзасидан лицензиатдан зарур ахборотни сўраш ва олиш;

е) истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь маҳсулотлари ишлаб чиқаришда техник ва технологик нормативларга риоя этилишини текшириш;

ж) истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь маҳсулотларининг сақланиш сифати ва айламасини, шу жумладан, истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь маҳсулотлари ишлаб чиқаришда қўлланадиган хомашё ва ёрдамчи материаллар сифатини назорат қилиш;

з) лицензиат томонидан алкоголь маҳсулотини маркировкалаш ва кузатиш тизимини ўз ичига олувчи Ҳисобга олиш ахборот тизимига ўз вактида ва ҳақоний маълумотларнинг киритилишини назорат қилиш;

и) Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг ахборот тизимига интеграциялашган электрон шаклдаги ҳисобварақ-фактуралар

ахборот тизимиға лицензиат томонидан ўз вақтида ва хаққоний маълумотларнинг киритилишини назорат қилиш;

к) қонун хужжатлари ва лицензия талаблари бузилиш ҳолатлари бўйича мансабдор шахсларнинг ёзма равишдаги тушунтириш хатларини сўраш ва олиш;

л) текширишлар давомида лицензиат томонидан лицензия талаблари ва шартлари бузилиши аниқланганда улар асосида далолатномалар (маълумотномалар) тузиш;

м) лицензиатга аниқланган бузилишларни бартараф этиш мажбуриятини юкловчи ёзма кўрсатмалар бериш, бундай бузилишларни бартараф этиш муддатларини белгилаш;

н) лицензия талабларининг бузилганлиги учун жарималар солиш;

о) ушбу Низом ва бошқа қонун хужжатлари талабларига мувофиқ лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тўхтатнш ёки лицензияни бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилиш.

38. Лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини текшириш чоғида Инспекция томонидан икки нусхада далолатнома тузилади, унинг бир нусхаси лицензиатга берилади, иккинчи нусхаси Инспекцияда қолади.

39. Лицензиатга нисбатан огоҳлантириш, молиявий санкция ва (ёки) лицензия амал қилишини тўхтатиб туриш ёки тўхтатиш каби таъсир чоралари қўлланилади.

40. Лицензиатларга жарима кўринишида қуйидаги молиявий санкциялар қўлланилади:

а) ароқ, шунингдек, истеъмол этил спиртидан ароқ ва ликёр-ароқ маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича мавжуд йиллик ишлаб чиқариш қувватлари қуйидагидан кам бўлмаган миқдорда ишлатилишини таъминламаслик:

60 фоиздан – базавий ҳисоблаш миқдорининг 150 баробари миқдорида;

40 фоиздан – базавий ҳисоблаш миқдорининг 250 баробари миқдорида;

б) ароқ ишлаб чиқармайдиган ташкилотларда истеъмол этил спиртидан ликёр-ароқ маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича мавжуд йиллик ишлаб чиқариш қувватлари қуйидагидан кам бўлмаган миқдорда ишлатилишини таъминламаслик:

50 фоиздан – базавий ҳисоблаш миқдорининг 150 баробари миқдорида;

30 фоиздан – базавий ҳисоблаш миқдорининг 250 баробари миқдорида;

в) бошқа турдаги спиртдан (этил, конъяк ва мева, узумдан ректификатланган этил спирти, мевадан ректификатланган этил спиртидан ташқари) фойдаланган ҳолда алкоголь маҳсулотлари ишлаб чиқариш, шунингдек, хорижий этил спиртидан фойдаланган ҳолда алкоголь маҳсулотлари ишлаб чиқариш – ишлаб чиқарилган маҳсулот баҳосининг

(улгуржи нархларда) 200 фоизи миқдорида, бироқ базавий ҳисоблаш миқдорининг 150 баробаридан кам бўлмаган миқдорда;

г) этил спирти ва алкоголь маҳсулотларини лицензия олиш чоғида аризада киритилмаган саклаш жойларида саклаш – бундай саклаш жойларида бўлган маҳсулот қийматининг 100 фоизи миқдорида, бироқ базавий ҳисоблаш миқдорининг 150 баробаридан кам бўлмаган миқдорда;

д) ташкилотлар томонидан алкоголь маҳсулотларини бундай маҳсулотга белгиланган энг кам улгуржи нархлардан паст нархларда сотиш:

алкоголь маҳсулотларини (пиводан ташқари) ишлаб чиқарувчи ташкилот томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган минимал улгуржи-сотиш нархларидан паст нархларда сотилган қийматининг 20 фоизи миқдорида, бироқ базавий ҳисоблаш миқдорииинг 100 баробаридан кам бўлмаган миқдорда;

жарима қўлланилгандан кейин бир йил мобайнида айнан ўша қоида бузиш такоран аниқланганда – алкоголь маҳсулотларини (пиводан ташқари) ишлаб чиқарган ташкилот томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган минимал улгуржи-сотиш нархларидан паст нархларда сотилган қийматининг 50 фоизи миқдорида, бироқ базавий ҳисоблаш миқдорининг 200 баробаридан кам бўлмаган миқдорда;

е) истеъмол этил спиртини 100 фоизлик олдиндан тўловсиз сотиш – олиб чиқиб кетилган ёки ташиладиган маҳсулотнинг 100 фоиз қиймати, бироқ базавий ҳисоблаш миқдорининг 150 баробаридан кам бўлмаган миқдорда;

ж) алкоголь маҳсулотини (пиво маҳсулоти, кўпикланадиган ва табиий винодан ташқари) алкоголь маҳсулотларининг улгуржи савдосини ғамалга ошириш бўйича лицензияга эга бўлмаган шахсга сотиш – олиб чиқиб кетилган ёки ташиладиган маҳсулотининг 100 фоиз қиймати, бироқ базавий ҳисоблаш миқдорининг 150 баробаридан кам бўлмаган миқдорда;

з) истеъмол этил спирти ва алкоголь маҳсулотини Ҳисобга олиш ахборот тизими ҳисобига киритмасдан ишлаб чиқариш ва (ёки) муомалага чиқариш – базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 баробари миқдорида;

и) Ҳисобга олиш ахборот тизимида ишлаб чиқарилган ва (ёки) муомалага чиқарилган истеъмол этил спирти, алкоголь маҳсулоти ҳажмлари тўғрисидаги маълумотларни тақдим этмаслик ёки ўз вақтида тақдим этмаслик ёхуд ишоичли бўлмаган маълумотларни тақдим этиш – базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 баробари миқдорида;

к) бошқа лицензия талабларининг бажарилмаслиги – базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 баробари миқдорида.

41. Лицензия талаблари ва шартларини бузганлик учун тўланадиган жарималар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш инспекциясининг бюджетдан ташқари жамғармасига кирим қилинади.

42. Инспекция бошлиғи Инспекция номидан молиявий санкциялар қўллаш тўғрисида баённомалар тузиш ҳуқуқига эга.

Молиявий санкциялар қўллаш тўғрисидаги баённомалар Инспекция томонидан тузилади ва суд органлариға қарор қабул қилиш учун киритилади, содир этилган ҳуқуқбузарликларда шахслар айбларини тан олган ва молиявий жарималар суммасини ихтиёрий равишда тўлаган ҳоллар бундан мустасно.

43. Истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь маҳсулотларини ноқонуний ишлаб чиқариш ва (ёки) муомалага чиқариш, ноқонуний хомашё ва ёрдамчи материаллар харид қилиш ҳолатлари аниқланган тақдирда, Инспекция мутахассислари бу ҳақда дарҳол ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларни хабардор қиласди.

8-боб. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тўхтатиш ва лицензияни бекор қилиш

44. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тўхтатиш ва лицензияни бекор қилиш “Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конунининг 22—24-моддаларида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда Инспекция қарорига кўра амалга оширилади.

45. Инспекциянинг лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тўхтатиш ва лицензияни бекор қилиш тўғрисидаги қарори юзасидан судга шикоят қилиниши мумкин.

9-боб. Лицензиялар реестри

46. Инспекция лицензиялар реестрини юритади.

Лицензиялар реестрида куйидагилар кўрсатилиши керак:

а) юридик шахснинг номи, унинг ташкилий-ҳуқуқий шакли, жойлашган жойи (шу жумладан, ташкилотнинг ишлаб чиқариш жойи ва омбори), телефони;

б) банқдаги ҳисоб рақами ва солиқ тўловчинииг идентификация рақами;

в) лицензияларнинг берилган санаси ва тартиб рақами;

г) лицензиялар тури (ишлаб чиқариш лицензиясига кўра – лицензияларда кўрсатилган маҳсулот турлари);

д) лицензияларни қайта расмийлаштириш, тўхтатиб туриш ва тиклашнинг асослари ва санаси;

е) лицензияларнинг амал қилишини тўхтатишнинг асослари ва санаси;

ж) лицензияларни бекор қилишнинг асослари ва санаси;

з) дубликат беришнинг асослари ва санаси.

47. Лицензияларнинг реестрларида мавжуд бўлган маълумотлар Инспекциянинг расмий веб-сайтида жойлаштирилади ва танишиш учун очик бўлади.

10-боб. Якуиловчи қоидалар

48. Лицензиатлар Инспекция вакилларига ушбу Низом ва лицензия шартномаси талабларини бажарилишини текшириш ва назоратни амалга оширишлари учун барча маъмурий, ишлаб чиқариш, лаборатория ва омбор биноларига киришга, ишлаб чиқариш линиялари, асбоб-ускуналар, транспорт воситалари ва бошқа техникаларни кўздан кечиришга рухсат беришлари ҳамда зарур шароитлар яратишлари лозим.

49. Ушбу Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун хужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

Истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь
маҳсулотлари ишлаб чиқариш фаолиятини
лицензиялаш тартиби
тўғрисидаги низомга
1-илова

20 ____ й. "____"
№ _____

Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирлиги хузуридаги
Алкоголь ва тамаки бозорини
тартибга солиш инспекцияси

АРИЗА

1. Ариза берувчи _____
(юридик шахснинг номи, ташкилий-хукукий шакли)

2. Ариза берувчининг юридик манзили:

(жойлашган жойи, поча индекси, манзили, телефон, факс ва х.к.)

3. Ариза берувчининг банк реквизитлари

Маҳсулотнинг қўйидаги турларини ишлаб чиқариш хуқуқини берувчи
лицензия беришингизни сўрайман:

а) _____

б) _____

в) _____

(маҳсулот турининг номи)

қўйидаги манзилда жойлашган обьектларда:

а) _____

б) _____

в) _____

(ишлаб чиқариш ва (ёки) омбор биноларининг жойлашган жойи (пocha манзили)
кўрсатилади)

Лицензия олиш учун талаб килинадиган ҳужжатлар _____ варақда илова
қилинади.

Раҳбарнинг лавозими (имзо)

_____ (раҳбарнинг Ф.И.О.)

Истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь
маҳсулотлари ишлаб чиқариш фаолиятини
лицензиялаш тартиби
тўғрисидаги низомга
2-илова

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

(лавозими)

(ташкilotning nomi)

(имзо, Ф.И.О)

20 ____ й. «____» _____

(ишлаб чиқарувчи ташкilotning nomi)

ПАСПОРТИ

Тошкент ш. – 20 ____ й.

(ташкилотнинг номи)

(пошта манзили, телефон, факс)

(пошта ва банкдаги хисобвараклари реквизитлари)

(валюта хисобвараги)

(рўйхатдан ўтказиш раками ва санаси)

(мулкчилик шакли)

(юкори турувчи органи)

I. ТАШКИЛОТНИНГ ҚИСҚАЧА ТАРИХИ

Ташкилот Уставига мувофиқ асосий фаолият турини:

Шўъба корхоналарининг мавжудлиги:

Узумни қайта ишлаш саноати бўйича вино пункtlар:

II. УМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР

1. Бош режа ва транспорт бўйича асосий қарорлар:

-
-

Ишлаб чиқариш обьектининг тасдиқланган бош режаси, шу жумладан, ташкилотнинг муҳандислик-техник коммуникациялари _____ варакда илова қилинади.

2. Бош режага оид маълумотлар:

Умумий майдони _____

шу жумладан:

- курилган майдон _____
- қамров майдони _____
- кириш йўллари, майдончалар _____

3. Майдончаларнинг муҳандислик-геологик шароитлари:

4. Ташкилотда ер кадастри ҳамда

кўчмас мулк кадастри хужжатлари мавжуд

III. АТРОФ МУХИТГА ТАЪСИРНИ БАҲОЛАШ

1.

2.

...

IV. ЁНФИНГА ҚАРШИ ТАДБИРЛАР

1.

2.

...

V. ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЦЕХЛАРИ ВА УЧАСТКАЛАРИДАГИ ТЕХНОЛОГИК АСБОБ-УСКУНАЛАР ҲАҚИДАГИ МАЪЛУМОТЛАР

T/r	Технологик линиялар ва цех бўйича ускуналар номи	Сони	Асбоб-ускуналар ўрнатилган йил	Техник жиҳатдан ҳолати	Ишлаб чиқарувчи мамлакат	Изоҳ

Изоҳ: 01.01.20 ____ йил ҳолатида ташкилотнинг белгиланган ишлаб чиқариш қуввати:

ароқ ва ликёр маҳсулотлари йилига _____ минг дални;
узум виноси йилига _____ минг дални;
этил спирти йилига _____ минг дални ва шу кабиларни
ташкил этади:

VI. ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТИЗИМИНИНГ ТЕХНОЛОГИК СХЕМАСИ

VII. АРИЗА БЕРИЛГАН МАҲСУЛОТЛАР ТУРИ БҮЙИЧА ТАШКИЛОТ БЕЛГИЛАНГАН ҚУВВАТИНИНГ ҲИСОБ-КИТОБИ

VIII. ЭНЕРГЕТИК РЕСУРСЛАР САРФ-ХАРАЖАТЛАРИ ИССИҚЛИК ТАЪМИНОТИ

T/р	Номланиши	Ўлчов бирлиги	Сони	Кўшимча маълумотлар
1.	Ўз қозонхонаси Қозонхона тавсифномаси: Қозонхоналар: Тури, маркаси АГВ№ 225001-Г ЭВ-Аристон	дона дона		
2.	Ёқилти тури - табиий газ ва электр қуввати	м ³ минг.кВт		
3.	Иссиқлик ташувчилар: - иситиш учун - технологик эҳтиёжлар учун			
4.	Ички майдонларда иситиш тармоқлари: - жойлаштириш усули - ҳолати (эскириши)			

ЭЛЕКТР ТАЪМИНОТИ

T/p	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Сони	Кўшимча маълумотлар
1.	Ташкилотни электр энергияси билан таъминлаш манбай			
2.	Электр тармоқларининг кучланиши	кВт		
3.	Ташкилотдаги электр қабул қилгичларнинг ўрнатилган куввати	кВт		
4.	Ташкилотдаги электр қабул қилгичларнинг ҳисоблаб чиқилган куввати	кВт		
5.	Электр энергиясининг йиллик ҳаражати	минг. кВт/соат		
6.	Трансформатор ёрдамчи станцияси	кВт		
7.	Ички майдонларда ҳаво тармоқлари			

**IX. МАҲСУЛОТЛАР НОМЕНКЛАТУРАСИ ВА
ЙИЛЛИК ИШЛАБ ЧИҚАРИЛИШИ**
20__ йил учун

Т/р	Ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар тури	Йиллик ишлаб чиқариш		
		натура ифодасида		кимат ифодасида, млн.сўм
		ўлчов бирлиги	сони	
1				
2				
3				
4				
5				
6				
7				
8				
9				
10				
...				

IX а. ИСТЕЙМОЛ ЭТИЛ СПИРТИ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ ЗАВОДЛАР УЧУН

1000 дал истеъмол этил спиртини ишлаб чиқариш учун буғдойнинг сарф харажати меъёри (тонна)	Ўлчов бирлиги	20__ йил ҳақиқатда	20__ йил кутилаётган	20__ йил учун прогноз
Этил спирти	тонна			

**X. ХОМАШЁ МАТЕРИАЛЛАРИГА БҮЛГАН ЭХТИЁЖ ВА
ТАЬМИНЛАНГАНЛИК**

Т/р	Хомашё ва ёрдамчи материалларнинг номи	Үлчов бирлиги	Йиллик эхтиёж	
			20__йил учун прогноз	20__йил ҳақиқатда
1.				
2.				
3.				
4.				
5.				
6.				
7.				
8.				
9.				
10.				
...				

XI. ШТАТЛАР ЖАДВАЛИ

T/p	Күрсөткічлар номи	20__ йил
1.	Ишловчилар сони, жами	
2.	шу жумладан:	
3.	ишлиб чықарып ходимлари (цех ишчилари)	
4.	лаборатория ходимлари	
5.	маъмурый-бошқарув ходимлари	
6.	муҳандис-техник ходимлар	
7.	ёрдамчи ходимлар ва қўриқлаш хизмати	
8.	...	

XII. ТЕХНИК-ИҚТІСОДИЙ КҮРСАТКИЧЛАР.

Күрсаткічлар номи	Үлчов бирлиги	шу жумладан, йиллар бўйича		
		20__ йил	20__ йил	20__ йил
Ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар тури 1. Арок ва ликёр-арок маҳсулотлари	МИНГДАЛ			
Асосий ишлаб чиқариш фонди жами шу жумладан: - бино ва иншоатлар; - ускуналар	млн.сўм млн.сўм млн.сўм			
Акция сони ва улуши – жами шу жумладан: - давлат - жамоа - эркин сотув - чет эл инвесторлари улуши - бир акциянинг киймати				
Молиявий - иқтисодий күрсаткічлар: - ялти ишлаб чиқарилган маҳсулот (акциз солиги ва КҚСиз) - 1 сўм асосий ишлаб чиқариш фондига тўғри келадиган маҳсулот ишлаб чиқарилиппи - маҳсулот таннахси	млн.сўм сўм млн.сўм			
Ишлаб чиқариш рентабеллиги - таннахига	%			

ХІІІ. ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР.

Раҳбарнинг лавозими

(имзо)

(раҳбарнинг Ф.И.О.)

Истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь маҳсулотлари ишлаб чиқариш фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомга
З-илова

**Истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь маҳсулотлари
ишлаб чиқариш фаолиятини лицензиялаш
СХЕМАСИ**



Истеъмол ва техник этил спирти,
алкоголь маҳсулотлари ишлаб чиқариш
фаолиятини лицензиялаш тартиби
тўғрисидаги низомга
4-илова

Намуна



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ
АЛКОГОЛЬ ВА ТАМАКИ БОЗОРИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ИНСПЕКЦИЯСИ**

**Истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь маҳсулотлари ишлаб чиқариш
фаолиятини амалга ошириш учун
ЛИЦЕНЗИЯ**

FF № 000000

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш инспекцияси бошлигининг 20__ й. “___” _____ даги
—сон буйруғига мувофиқ _____
(ташкilotнинг номи)

_____ га
(ташкilotнинг почта манзилн ва СТИР)

Ўзбекистон Республикаси худудида _____
ишлиб чиқариш
фаолиятини амалга ошириш учун рухсат берилади.

Лицензия берилган сана:

Лицензиянинг амал қилиш муддати:

Реестр тартиб рақами:

Изоҳ: Лицензияловчи орган Истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь маҳсулотлари ишлаб чиқариш фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ лицензия талаблари ва шартларига риоя этилмаган ҳолларда лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тўхтатиш ёки лицензияни бекор қилиш ҳукуқига эга.

Ваколатли шахс

М.Ў.

(фамилияси, исми, отасиннинг исми)

(имзо)

Вазирлар Маҳкамасининг
2019 йил “23” августдаги 707-сон қарорига
2-илюва

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Вазирлар Маҳкамасининг “Спирт, алкоголли маҳсулотлар ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва сотишни давлат томонидан тартибга солишини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 1999 йил 23 сентябрдаги 444-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1999 й., 9-сон, 58-модда) 8-бандининг иккинчи хатбошидан “алкоголли маҳсулотлар ва” сўзлари чиқариб ташлансин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг “Фаолиятнинг айрим турларини лицеизиялаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида” 2002 йил 28 июндаги 236-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 6-сон, 36-модда) 1-иловада:

а) “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси” бўлимидан тўртинчи ва еттинчи хатбошилари чиқариб ташлансин;

б) “Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси” бўлимидан кейин куйидаги мазмундаги бўлнм қўшилсин:

“Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш инспекцияси

Этил спирти ва алкоголь маҳсулотларини ишлаб чиқариш (табний вино бундан мустасно), шунингдек, алкоголь маҳсулотларининг улгуржи савдоси”.

3. Вазирлар Маҳкамасининг “Тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш фаолиятини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2006 йил 7 сентябрдаги 190-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2006 й., 9-сон, 65-модда):

а) 3-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

б) 1-иловада:

6-банд куйидаги таҳрирда баён қилинсии:

“Лицензия бериш, лицензияннинг амал қилишини тўхтатиб туриш ёки тугатиш, шунингдек, уни бекор қилиш ва қайта расмийлаштириш тўғрисидаги қарорлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш инспекцияси (кейинги ўринларда лицензияловчи орган деб аталади) томонидан қабул қилинади.”

2-бобнинг номидаги “(унинг амал қилиш муддатини узайтириш)” сўзлари чиқариб ташлансин;

8-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

9-банднинг тўққизинчи хатбоши қуидаги таҳрирда баён қилинсин:

“қуидагилар тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олувчи ишлаб чиқариш объектининг паспорти:

ишлаб чиқариш объектининг бош режаси, шунингдек, ишлаб чиқариш цикли ва мухандислик-техник коммуникацияларнинг жойлашиши тўғрисидаги ҳужжатлари;

ускунанинг ишлаб чиқарилган йили, ишлаб чиқарувчиси ва ишлаб чиқарилган мамлакат;

ускунанинг техник ҳолати ва ўрнатилган ишлаб чиқариш қувватлари”;

11-банд қуидаги таҳрирда баён қилинсин:

“11. Лицензия олиш учун зарур бўлган ҳужжатлар лицензия талабори томонидан лицензияловчи органга бевосита, поча алоқаси воситалари орқали ёки электрон шаклда, улар олингандиги ҳақида хабардор қилинган ҳолда тақдим этилади. Электрон шаклда тақдим этилган ҳужжатлар лицензия талаборининг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланади. Лицензия бериш тўғрисидаги аризада лицензия талаборининг электрон манзили кўрсатилганлиги унинг аризаси бўйича қабул қилинган қарор ҳақида ахборот тизими орқали электрон шаклда хабарнома олишга бўлган розилиги ҳисобланади.”

13-банднинг биринчи хатбошидаги «Энг кам ойлик иш ҳақининг» сўзлари «базавий ҳисоблаш миқдорининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

14-бандда:

учинчи хатбоши қуидаги таҳрирда баён қилинсин:

“Бунда лицензияловчи орган, зарурат бўлганда, жойининг ўзига чиқиб ишлаб чиқариш шарт-шаронтларининг тақдим этилган ҳужжатларга мувофиқлигини текширишга ҳақлидир”

тўртинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

15-бандда:

биринчи хатбошидаги «Ишли гурух» сўзлари «Лицензияловчи орган» сўзлари билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошига “ёзма шаклда” сўзларидан кейин “ёки электрон шаклда, улар олингандиги ҳақида хабардор қилинган ҳолда” сўзлари қўшилсин;

саккизинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

тўққизинчи-ўн бешиинчи хатбошилар тегишлича саккизинчи-ўй тўртинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

ўнинчи хатбошидаги “Ишчи гурух” сўзлари “Лицензияловчи орган” сўзлари билан алмаштирилсин;

ўн тўртинчи хатбошидаги “ишчи гурух раҳбари” сўзлари “унинг бошлиғи” сўзлари билан алмаштирилсин;

16-банд қуидаги таҳрирда баён қилинсин:

“16. Лицензиялар лицензияловчи орган томонидан белгиланган намунадаги бланкаларда расмийлаштирилади ва лицензияловчи органнинг бошлиғи томонидан имзоланади.

Лицензия бланкалари қатъий ҳисобда турадиган хужжатлар ҳисобланади, ҳисобга олиш сериясига, тартиб рақамига ва ҳимояланганлик даражасига эга бўлади”;

18-банддаги “Комиссия” сўзи “лицензияловчи орган” сўзлари билаи алмаштирилсан;

19-банднинг иккинчи хатбошидаги “ишчи гурухнинг” сўзлари “лицензияловчи органнинг” сўзлари билан алмаштирилсин.

21-бандда:

иккинчи ва учинчи хатбошилари чиқариб ташлансин;

тўртинчи-олтинчи хатбошилари тегишинча иккинчи-тўртинчи хатбошилари деб ҳисоблансин;

5-бобнинг номидаги “унинг амал қилиш муддатини узайтириш,” сўзлари чиқариб ташлансин;

24-банднинг биринчи хатбошидаги “ишчи гурух” ва “ишчи гурух томонидан” сўзлари тегишли равишда “лицензияловчи орган” ва “лицензияловчи орган томонидан” сўзлари билан алмаштирилсин;

25-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

26-банднинг биринчи хатбошидаги “Амал қилиш муддати ўтмаган” сўзлари чиқариб ташлансин;

27-банддаги “ишчи гурух томонидан” сўзлари “лицензияловчи орган томонидан” сўзлари билан алмаштирилсин;

28-бандда:

биринчи хатбошидаги “ишчи гурух” сўзлари “лицензияловчи орган” сўзлари билан алмаштирилсан;

иккинчи хатбошидаги “режали” сўзлари чиқариб ташлансан;

учинчи хатбоши чиқариб ташлансан;

тўртинчи-саккизинчи хатбошилари тегишинча учинчи-еттинчи хатбошилари деб ҳисоблансан;

олтинчи хатбошидаги “Комиссияга кўриб чиқиш учун таклиф киритиш” сўзлари “қарор қабул қилиш” сўзлари билан алмаштирилсан;

29-бандда:

биринчи хатбоидаги “ишчи гурух” сўзлари “лицензияловчи орган” сўзлари билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбоидаги “Комиссия ёки ишчи гурух” сўзлари “лицензияловчи органнинг” сўзлари билан алмаштирилсин;

30-бандда:

биринчи хатбоидаги “Комиссия” сўзи “лицензияловчи органнинг” сўзлари билан алмаштирилсин;

иккинчи-тўртинчи хатбоилари чиқариб ташлансин;

31-банддаги “Комиссиянинг” ва “Комиссия” сўзлари тегишли равиша “Лицензияловчи органнинг” ва “лицензияловчи орган” сўзлари билан алмаштирилсин;

32-банднинг биринчи хатбоидаги “Ишчи гурух” сўзлари “Лицензияловчи орган” сўзлари билан алмаштирилсин;


34-бандда:

биринчи хатбоидаги “энг кам ойлик иш ҳақининг” сўзлари “базавий ҳисоблаш миқдорининг” сўзлари билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбоидаги “Ўзбекистон Республикаси республика бюджетига” сўзлари “Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш инспекцияснинг бюджетдан ташкари жамғармасига” сўзлари билан алмаштирилсин;

илованинг матни қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“Тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш фаолиятини лицензиялаш СХЕМАСИ





в) 2-илованинг 3-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Вазирлар Маҳкамасининг
2019 йил “23” августдаги 707-сон қарорига
3-илова

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган деб
ҳисоблананаётгани айрим қарорлари**
РЎЙХАТИ

1. Вазирлар Маҳкамасининг “Вино-ароқ маҳсулотларини улгуржи ва чакана сотишни тартибга солиш тўғрисида” 1999 йил 26 мартдаги 136-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1999 й., 3-сон, 16-модда).

2. Вазирлар Маҳкамасининг “Вино-ароқ маҳсулотларини улгуржи ва чакана сотишни тартибга солиш тўғрисида” 2001 йил 16 ноябрдаги 452-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2001 й., 11-12-сон, 63-модда).

3. Вазирлар Маҳкамасининг “Этил спирти ва алкоголли маҳсулотлар ишлаб чиқариш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2005 йил 30 декабрдаги 285-сон қарори, 2-банд бундан мустасно (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2005 й., 12-сон, 68-модда).

4. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида” 2006 йил 24 мартдаги 51-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚХТ, 2006 й., 12-13-сон, 105-модда) илованинг 6, 10 ва 19-банлари.

5. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик фаолияти юритиш учун рухсатнома турларини қисқартириш ва уларни бериш тартиб-қоидаларини соддалаштириш тўғрисида” 2005 йил 21 сентябрдаги ПҚ-186-сон қарори)” 2006 йил 22 майдаги 92-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2006 й., 5-сон, 34-модда) илованинг 53-банди.

6. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Молия-иктисодий, солик соҳасидаги жиноятларга, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашишни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2006 йил 21 апрелдаги ПҚ-331-сон

қарори)" 2006 йил 6 июлдаги 130-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2006 й., 7-сон, 48-модда) илованинг 14-банди.

7. Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорлариға ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек баъзиларни ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида ("Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизими такомиллаштирилганлиги ҳамда уларнинг молиявий жавобгарлиги эркинлаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатлариға ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида" Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 10 октябрдаги ЎРҚ-59-сон Қонуни)" 2006 йил 10 ноябрдаги 235-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2006 й., 11-сон, 86-модда) 1-илованинг 21-банди.

8. Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорлариға ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Алкоголли маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сотиш самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" 2006 йил 7 ноябрдаги ПҚ-505-сон қарори)" 2006 йил 18 декабрдаги 260-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2006 й., 12-сон, 95-модда) илованинг 5-банди.

9. Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорлариға ўзгартиришлар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Алкоголли маҳсулотлар билан чакана савдо қилишни янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида" 2007 йил 16 мартағи ПҚ-605-сон қарори)" 2007 йил 27 апрелдаги 85-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2007 й., 4-сон, 21-модда) илованинг 3-банди.

10. Вазирлар Маҳкамасининг "Этил спирти ва алкоголли маҳсулотлар ишлаб чиқариш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида" 2011 йил 25 мартағи 89-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2011 й., 3-сон, 21-модда).

11. Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорлариға ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикасининг "Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида" 2011 йил 7 сентябрдаги ЎРҚ-292-сон Қонуни)" 2012 йил 1 февралдаги 26-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2012 й., 2-сон, 5-модда) илованинг 32-банди.

12. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорлариға ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Статистик, солиқ ва молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2012 йил 16 июлдаги ПФ-4453-сон Фармони)” 2012 йил 1 ноябрдаги 313-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2012 й., 11-сон, 79-модда) 1-илованинг 76-банди.

13. Вазирлар Маҳкамасининг “Тадбиркорлик субъектларига давлат хизматлари қўрсатиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2014 йил 31 декабрдаги 377-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚХТ, 2015 й., 1-сон, 9-модда) илованинг 25-банди.

14. Вазирлар Маҳкамасининг “Вазирлар Маҳкамасининг этил спирти, алкоголли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш фаолиятини лицензиялаш комиссиясининг янгиланган таркибини тасдиқлаш тўғрисида” 2017 йил 7 апрелдаги 192-сои қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚХТ, 2017 й., 15-сон, 251-модда).

15. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигиининг Давлат молиявий назорати бош бошқармаси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2017 йил 24 октябрдаги 870-сон қарорига 3-илованинг 2-банди.

16. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ижро этувчи тузилмаси такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорлариға ўзгартиришлар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида” 2018 йил 12 февралдаги 107-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2018 й., 2-сон, 32-модда) 1-илованинг 32-банди.

17. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорлариға ўзгартиришлар киритиш тўғрисида (“Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатлариға ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 18 апрелдаги ЎРҚ-429-сон Қонуни)” 2018 йил 28 майдаги 392-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2018 й., 5-сон, 124-модда) илованинг 2-банди.

18. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорлариға ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш

тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини янада қисқартириш ва соддалаштириш, шунингдек, бизнес юритиш шарт-шароитларини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 11 апрелдаги ПФ-5409-сон Фармони ҳамда “Виночилик соҳасини ва алкоголли маҳсулотларни реализация қилишни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 28 февралдаги ПҚ-3573-сон қарори)“ 2018 йил 16 июлдаги 539-сон қарорига илованинг 6, 10, 13 ва 23-бандлари.

19. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айrim қарорларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (“Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 18 апрелдаги ЎРҚ-429-сон Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини янада қисқартириш ва соддалаштириш, шунингдек, бизнес юритиш шарт-шароитларини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 11 апрелдаги ПФ-5409-сон Фармони)“ 2018 йил 29 октябрдаги 884-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2018 йил, 10-сон, 274-модда) илованинг 17-банди.